

<p>Ўзбекистон Республикаси МЧЖ шакидаги “AUDIT-HISOB MARKAZI” аудиторлик ташкилоти</p>		<p>Республика Узбекистан АО в форме ООО “AUDIT-HISOB MARKAZI”</p>
<p>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг . рухсатномасига эга бўлган Аудиторлик ташкилотлари реестрига кирган.</p>		<p>Включён в реестр аудиторских организаций, имеющих разрешение Министерство финансов Республики Узбекистан</p>

Ҳисоботдан фойдаланувчиларга

**«NEFT VA GAZ QUDUQLARNI SINASH» АЖ (СТИР: 201 787 580) нинг
2021 йил 31 декабр санасига тузилган молиявий ҳисоботлари юзасидан**

АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Фикр

Биз корхонанинг кўйидаги молиявий ҳисоботлари ва у билан боғлиқ ахборотлар аудитини ўтказдик:
- 2021 йил 31 декабр санасига тузилган “Бухгалтерия баланси”;
- кўрсатилган санада тугаган йил учун тузилган “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”;
- ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлар.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисоботлар «NEFT VA GAZ QUDUQLARNI SINASH» АЖ нинг 2021 йил 31 декабр санасига бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнидаги унинг молиявий натижаларини барча муҳим жиҳатларда Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС) га мувофиқ ҳаққоний акс эттиради.

Фикр билдириш учун асос

Биз аудитни Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисоботлар жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишини таъминловчи аудиторлик текширувани режалаштиришни ва ўтказишини тақозо этади.

Мазкур стандартларга кўра бизнинг мажбуриятларимиз “Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти” номли бўлимда баён қилинган.

Биз аудит жараёнда олган аудиторлик далилларини ўз фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарли деб ҳисоблаймиз.

Мустақиллик

Биз аудит қилинаётган корхонага нисбатан бухгалтерлар учун ахлоқ стандартлари бўйича Халқаро Кенгаш томонидан професионал бухгалтерлар учун ишлаб чиқилган Ахлоқ кодексига мувофиқ ва «NEFT VA GAZ QUDUQLARNI SINASH» АЖ нинг молиявий ҳисоботлари аудити бўйича ахлоқий талабларга нисбатан мустақил ҳисобланамиз ва мазкур талаблар ҳамда Ахлоқ кодексига тегишли бошқа мажбуриятларни бажардик.

Муҳимлик

Ўтказилган аудиторлик текшируви кўламини аниқлашга муҳимлик даражасини қўллаш ўз таъсирини кўрсатган. Аудит текширилаётган молиявий ҳисобот муҳим бузиб кўрсатишларга эга эмаслиги юзасидан окилона ишонч хосил қилишга йўналтирилган.

Муҳим бузиб кўрсатишлар корхона ходимларининг фаолият давомида амалга оширган ноқонуний харакатлари ва хатоликлари натижасида юзага келиши мумкин.

Муҳимлик даражасини аниқлашда биз халқаро амалиётда қўлланилаётган услубиётга асосланган ва аудитор ҳисоботига илова қилинган ҳисоб-китобни амалга оширдик ва корхонанинг 2021 йил учун молиявий ҳисоботлари бўйича унинг даражасини тушумга нисбатан 5 % микдорида белгиладик.

Аудитнинг муҳим саволлари

Аудитнинг муҳим саволлари - булар бизнинг професионал мулоҳазамизга қўра жорий давр учун тузилган молиявий ҳисоботлар бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган саволлардир. Мазкур йўналишда биз эътиборимизни

корхонанинг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари, харажатлари, солиқ тұловлари, соф фойдаси ва унинг ишлатилишини ўрганишга қаратдик ва аудитор хисоботида бу борада ўз фикримизни билдиридик.

Бошқа ахборот

Аудитни ўтказиш жараёнида текширилган молиявий хисоботлар ўртасида мухим зиддиятлар бор йўклигини аниқлаш ва корхонада конунчиликка риоя килинишини ўрганиш мақсадида бошқа молиявий хамда номолиявий маълумотлар билан танишиб чиқилди ва улар билан молиявий хисобот кўрсаткичлари ўртасида мухим зиддиятлар мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилинди.

Корхона фаолиятини бошқариш ва молиявий хисобот учун раҳбар шахсларнинг масъулияти

Корхона раҳбари мазкур молиявий хисоботни Бухгалтерия хисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек, фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган мухим бузиб кўрсатишлардан ҳоли молиявий хисоботларни тайёрлаш учун зарур деб хисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Бошқарув юқлатилган шахслар молиявий хисоботни тузиш жараёнида корхона якин келажакда ўз фаолиятини узлуксиз давом эттира олиши қобилиятини баҳолаши, тегишли ҳолатларда узлуксиз фаолиятга тегишли маълумотларни очиб бериши учун масъул хисобланадилар.

Бунда корхонани тугатиш, унинг фаолиятини тўхтатиш ёки бу харакатларни амалга оширмасликнинг бошқача ечими топилмаган ҳолатлар бундан мустасно.

Молиявий хисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти

Бизнинг мақсадимиз аудит қилинаётган молиявий хисобот ножӯя харакатлар ва хатолар таъсиридаги мухим бузиб кўрсатишлардан ҳоли эканлигига оқилона ишонч ҳосил қилиш ва ўз фикримиз баён этилган аудиторлик хуносасини эълон қилишдан иборат.

Оқилона ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлса-да, АХС ларига мувофиқ ўтказилган аудит молиявий хисоботда мавжуд бўлган мухим бузиб кўрсатишларни барчасини аниқлаш имконини бермайди.

Бузиб кўрсатишлар алоҳида ёки жамлама ҳолда мазкур молиявий хисобот асосида фойдаланувчиларни иқтисодий қарор қабул қилишларига таъсир кўрсатса, ножӯя харакатлар натижаси деб каралади ва мухим бўлиб хисобланади.

Аудиторлик текширувни ўтказишнинг барча жараёнларида биз АХС га мувофиқ профессионал мулоҳазани кўллаган ва профессионал скептицизмни саклаган ҳолда ҳаракат қилдик.

Аудиторлик текшируви жараёнида биз куйидагиларни бажардик:

- корхона масъул шахсларининг номақбул ҳаракатлари ва хатолари таъсирида молиявий хисоботда бузиб кўрсатишларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги таваккалчилик (риск) даражаси таҳлил қилинди;
- аудит таомилларини белгилаш мақсадида корхонадаги ички назорат тизими тўғрисида тушунчага эга бўйинди;
- корхонанинг хисоб сиёсати ўрганиб чиқилди ва уни корхона фаолиятига мос келиш даражасига баҳо берилди;
- корхона фаолиятининг узлуксизлиги борасида раҳбар шахслар берган баҳоларнинг ҳакикатга мос келиши тўғрисида хуроса қилинди;
- текширилаётган молиявий хисобот бўйича фикр билдириш учун етарли аудиторлик далилларининг йигилганлик даражаси үрганилди.
- молиявий хисобот, унинг таркиби ва мазмуни тўғрисида олинган маълумотларга умумий баҳо берилди ҳамда унинг ҳаққоний тақдим қилинганлик даражасига фикр билдирилди.

Бундан ташқари, аудиторлик ёзма ахборотида корхона раҳбари таъсирига корхонадаги мавжуд хисоб ва назорат тизимини янада тақомиллаштириш борасидаги тавсияларимизни баён қилдик ва корхона молиявий ҳолати таҳлили бўйича амалга оширган хисоб - китобларимизни тақдим этдик.

(имзо, мухр)



ЭРГАШЕВА З.Э.

МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» АТ директори (аудитор)

180100. Ўзбекистон Республикаси,
Қарши шаҳри, И.Каримов номли кўча, 212-уи.

14.03.2022 й.